

ОБРАЗОВАНИЕ,

**НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ
В МИРЕ**

международный научный электронный журнал

*Выпуск журнала № 18
Часть-3_ Апрель-2023*

OPEN  ACCESS



ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

международный научный электронный журнал

Апрель - 2023 год

ЧАСТЬ - 3



Google
Scholar



JOURNALS
MASTER LIST



ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ОРҚАЛИ ЁШЛАР ОНГИГА
ТАЪСИР ЭТИШ
ВОЗДЕЙСТВИЕ НА СОЗНАНИЕ МОЛОДЕЖИ ЧЕРЕЗ
ИДЕОЛОГИЧЕСКИЙ ИММУНИТЕТ
IMPACT ON THE MINDS OF YOUNG PEOPLE THROUGH
IDEOLOGICAL IMMUNITY

Нодира Назаркуловна Эшманова

Чирчиқ давлат педагогика университети катта ўқитувчиси

Эргашева Севинч Хислат қизи

бошланғич таълим йўналиши талабаси

Аннотация: мақолада ғоявий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш–баркамол шахсни шакллантиришнинг томоийллари, инсоният тарихий тараққиётида ўзига хос ўрин, ғоявий-мафкуравий кураш, ғоявий манфаатлар ўртасидаги тўқнашувнинг туб моҳияти баён этилган.

Аннотация: В статье изложены основы формирования идеологическо-идеологического иммунитета–основы формирования гармоничной личности, ее особое место в историческом развитии человечества, сущность идейно-идеологической борьбы, конфликта идеологических интересов.

Abstract: The article outlines the foundations of the formation of ideological and ideological immunity-the foundations of the formation of a harmonious personality, its special place in the historical development of mankind, the essence of ideological and ideological struggle, the conflict of ideological interests.

Калит сўзлар: ғоявий-мафкуравий, иммунитет, шахс, инсоният, тарихий тараққиёт, соғлом дунёқараш, шахс руҳияти, терроризм, диний-экстремизм, ваҳҳобизм, сепаратизм, миллатчилик, шовинизм, варваризм, маънавий бузғунчилик, неофашизм.

Ключевые слова: идейно-идеологический, иммунитет, личность, человечество, исторический прогресс, здоровое мировоззрение, психика личности, терроризм, религиозно-экстремизм, ваххабизм, сепаратизм, национализм, шовинизм, варварство, духовный разврат, неофашизм.

Keywords: ideological and ideological, immunity, personality, humanity, historical progress, healthy worldview, personality psyche, terrorism, religious extremism, Wahhabism, separatism, nationalism, chauvinism, barbarism, spiritual debauchery, neo-fascism.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарорида бу борада қатор устувор йўналишлар белгилаб берилди. Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш; эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ғоявий ва ахборот хуружларига қарши аҳолининг, энг аввало, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Шахсни муайян ғоя, мафкурага тобе қилишга қаратилган ҳаракатлар инсоният тарихий тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Инсониятнинг бу йўлдаги ҳаракати кўп ҳолларда турли қуроллар – қилич-қалқон, найза, тўқмоқ, кейинчалик эса ўқотар қуроллардан фойдаланишга асосланган. Камдан кам ҳолатларда эса шахсни муайян мафкура ва ғоя таъсирига тортиш унга руҳий таъсир этиш орқали амалга оширилган. Бироқ, замонавий дунёда ана шу бўйсундириш борасида катта тажриба тўпланди. Инсониятнинг бу тажрибаси ягона ном билан “ғоявий-мафкуравий кураш” деб номланмоқда.

Ғоявий-мафкуравий кураш шахс руҳиятига турли ғояларни сингдириш орқали унга кучли таъсир кўрсатиш, уни бошқариш йўлида амалга ошириладиган ҳаракатдир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутиши унинг ҳудудига турли ахборот оқимларининг кириб келиши ҳамда уларнинг ўзаро тўқнашувини юзага келтирди.

Ўз моҳиятига кўра ғоявий-мафкуравий кураш, энг аввало, ёшлар онгига таъсир этишга, уларни ўз таъсир доирасига олишга йўналтирилади. Ўзида бузғунчи, ёт қарашларни ифода этган ғояларнинг ёшлар онгига таъсир этиши уларда қуйидаги сифатларнинг шаклланишига замин яратади:

1. Итоагўйлий, тобелик.
2. Мустақил фикрга эга бўлмаслик.
3. Вазиятни баҳолай олмаслик ва моҳиятини тушуниб етмаслик.
4. Муқаддас саналган қадриятлардан воз кечиш.
5. Яқинларига нисбатан бефарқлик, уларнинг ҳаёти учун масъулиятни зиммасига ола билмаслик.
6. Экстремистик ёки маънавий бузғунчилик асосларига эга ғояларга сўзсиз эргашиш.
7. Инсоният томонидан асрлар давомида қораланиб келган хатти-ҳаракатлар (Ватанга хиёнат, сотқинлик, одам ўлдириш, ўзгаларга қурол ўқталиш, кўр-кўрона манфур ғояларга эргашиш ва бошқалар)ни содир этиш.

Ёшларнинг ғоявий-мафкуравий кураш, ғоявий манфаатлар ўртасидаги тўқнашувнинг туб моҳиятини англай олмасликлари, шунингдек, миллий истиқлол ғояси мазмунини етарли даражада тушунмасликлари уларнинг ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишларига сабаб бўлади.

Таълим муассасалари ва оилаларда ташкл этилаётган маънавий-маърифий ишлар шахсда ғоявий иммунитетни шакллантиришда катта имкониятларга эга. Бу имкониятлар ижтимоий тарбия жараёнининг муайян дастурлар асосида, изчил, узлуксиз ва мақсадга мувофиқ ташкил этилиши, бу жараёнга жамоатчилик фаоллари, масъул ташкилотлар вакиллариининг жалб этилиши билан белгиланади.

Шахснинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини шакллантиришга қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- шахс томонидан терроризм, диний-экстремизм, ваҳхобизм, сепаратизм, миллатчилик, шовинизм, варваризм, маънавий бузғунчилик, неофашизм ҳамда наркобизнеснинг моҳияти, кўринишлари, аянчли оқибатлари ҳақидаги билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш;

- унда мустақкам характер ва кучли иродани тарбиялаш эҳтиёжини қарор топтириш;

- шахснинг изчил равишда жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун зарур шароитларни яратиб бериш;

- у томонидан маънавий-ахлоқий эътиқодга эга бўлиш йўлида амалий ҳаракатлар (илмий, илмий-оммабоп, оммабоп ва бадий асарларни ўқиш орқали дунёқарашини бойитиш, халқаро хабарлар билан изчил танишиб бориш асосида тафаккурини бойитиш, ижтимоий воқеа-ҳодисаларга нисбатан шахсий муносабатнинг шаклланишига эришиш, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш ҳамда б.ш.)нинг амалга оширилишига эришиш;

- шахсга ижтимоий-фойдали меҳнатнинг аҳамиятини уқтириш ва ҳар қандай кўринишдаги меҳнат фаолиятига нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириш.

Таълим ва тарбия жараёнларининг бирлигига эришиш орқали шахснинг терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари тўғрисидаги маълумотларни ўзлаштириб боришини таъминлаш ҳам ижобий натижа беради. Бинобарин, ҳар бир фуқародан огоҳлик талаб этилаётган мавжуд шароитда шахс шубҳали ҳолатлар юзасидан қайси ташкилот ёки шахсларга мурожаат қилишлари мумкинлигини билиб олишлари зарур.

Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари қаторига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита; Ўзбекистон Республикаси Давлат

божхона кўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишлар, уларнинг йўналиши, мазмуни ва натижалари ўқувчиларда ғоявий иммунитетни самарали шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли тарбиявий ишлар режасини ишлаб чиқишга нисбатан жиддий эътибор қаратиш зарур. Бизнинг назаримизда, бу ўринда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Тарбиявий ишлар режасида шахсда маънавий-ахлоқий сифатлар ва бунёдкорлик характериға эға ижтимоий-ғоявий кўникмаларни шакллантиришға ёрдам берувчи тадбирларнинг ўрин олиши, шунингдек, уларнинг изчил ва узлуксиз амалға оширилишини таъминлашға аҳамиятни қаратиш.

2. Тадбирларни ташкил этишда оила-маҳалла-таълим муассасалари-жамоатчилик ҳамкорлигига эришиш.

3. Тарбиявий тадбирларнинг самарали шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

4. Тадбирларни амалға оширишда оммавий ахборот воситалари ёрдамида уларнинг кўрсатмалилик хусусиятиға эға бўлишиға эришиш.

5. Тарбиявий тадбирларнинг мулоқот, ўзаро фикр алмашиш, шахсий фикрларни эркин баён этиш каби усуллар ёрдамида ташкил этилишиға аҳамиятни қаратиш.

6. Тадбирларни уюштиришда мажбурийлик, режанинг бажарилиши учунгина ташкиллаштириш, уларнинг стандарт кўринишға эға бўлиши каби ҳолатларни инкор этиш ва б.

Шахсда ғоявий иммунитетни шакллантиришға қаратилган тадбирларда уларнинг фаол иштироки асосида ташкил этилиши кутилган натижаларни беради. Шу сабабли тарбиявий ишларни режалаштиришда уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиш, хоҳиш-истакларини ўрганиш, шунингдек, ҳар бир тадбирни ўтказишда уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятға эға.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларға оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги ПФ-5106 – сонли Фармони. 5 июль 2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4312-сонли Қарори.
4. Тарбия энциклопедия. Давлат илмий нашриёти. 2010. 526 б.
5. Abdugalilova Sh.A. Abdurauf Fitratning pedagogik ta’lim ta’limoti.-Toshkent, 2022.

25	RAUF PARFI SHE'RLARNING ZAMONAVIYLIGI VA UMRBOQIYLIGI	108
26	ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕТОДЛАРИ	111
27	БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА “ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ” ҲАМДА “ТАСВИРИЙ САЊАТ” ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИОН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	114
28	O'QUVCHILARNING BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARINI TASHXIS ETISHDA TIMSS HAMDA PISA XALQARO BAHOLASH DASTURLARIDAN FOYDALANISH METODIKASI	119
29	QUALITATIVE ANALYSIS OF AROMATIC OXIDE COMPOUNDS	124
30	KREMNIYORGANIK POLIMER KOMPOZITSIYA ORQALI GIPS NAMBARDOSHLILIK XOSSASINI OSHIRISH IMKONIYATLARI	129
31	ВОЗМОЖНОСТИ ЭКОНОМИИ СЫРЬЯ ЗА СЧЕТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОТХОДОВ В ПРОИЗВОДСТВЕ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ	134
32	ТРАДИЦИОННЫЙ СТИЛЬ В ВОСТОЧНЫХ ТКАНЯХ	139
33	ҒОЯВИЙ-МАҒКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ОРҚАЛИ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИР ЭТИШ	143
34	CLIL ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШДАГИ МУРАККАБЛИКЛАР	147
35	BOSHLANG'ICH SINFLARDA INGLIZ TILI O'QITISHNING INNOVATSION USULLARI	151
36	QONUN USTUVORLIGI VA INSON MANFAATLARINI TA'MINLASH - YURTIMIZNI RIVOJLANTIRISH VA AHOLI FAROVONLIGI	155
37	ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING “BOBURNOMA” ASARIDA HISOB SO'ZLARNING QO'LLANISHI	158
38	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING “INVESTITSIYA VA INVESTITSIYA FAOLIYATI TO'G'RISIDA” GI QONUNI VA JAHON BANKNING TO'G'RIDAN-TO'G'RI XORIJIY INVESTITSIYALAR BO'YICHA YO'RIQNOMALARINING QIYOSIY TAHLILI	161
39	БИОИНДИКАТОР ҲАШАРОТЛАРНИНГ ТУПРОҚ ҚАТЛАМЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ ВА ҲАЁТ ТАРЗИ	167
40	МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING IJTIMOIY KOMPTENTLIGINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ASOSLARI SHAKLLANTIRISH	171

Напоминание! — Образование наука и инновационные идеи в мире || Авторы несут персональную ответственность за правильность цифр и данных в статьях и планах занятий, включенных в мировой научно-методический журнал, и за правильность приведенных цитат.


Главный редактор:
Семёнов Владимир Львович

Помощник редактора:
Абдурахманов Бобуржон

Подготовитель к публикации:
Халиков Тохирджон Шавкатжонович

— Образование наука и инновационные идеи в мире всемирный научно-методический журнал, 2022-г.





OPEN  ACCESS

